


ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Буюм номи: **Классик услубдаги эркаклар костюми**

Вазифаси: **Кундалик**




Техник тасниф

Классик услубдаги эркаклар костюми. Костюм пиджак, сарочка ва шимдан иборат. Силуэти ним ёпишган. Пиджак енгى ўтказма. Олд бўлак тақилмаси 2 тугмали енг кесимида 3та тугмадан иборат. Пиджак ва шим костюмбоп синтетик газламадан. Шим классик услубда, силуэти ним ёпишган, узунлиги тўпиқгача, ўнг орт бўлакда листочкали қирқма чўнтак ва ён қирқимида қирқма қия ишланган.

Тавсия этиладиган газламалар



Тавсия этиладиган ранглар гаммаси



Размер қатори: 176-100-88

Материал:

-Костюмбоп синтетик газлама

-Тола таркиби: визкоза, полиэфир

-Юза зичлиги: 190г/м²

-Қотирма: дублирин

-Фурнитура: катта тугма 2та, кичик тугма 7та, молния тасмаси 20см

Газлама сарф нормаси:

Узунлик – 2,73м

Кенглик – 1,5м

1метр газлама нархи: 7000сўм

Таннарх: 39631,81сўм

Бажарди: Мойдинов М.

Раҳбар: катта ўқувчи Юнусходжаева Х.

Ишлаб чиқарилган сана: 2010й.

Гуруҳ, факультет: ЕСТФ 11а-06г.

Мундарижа

Мундарижа

Кириш

1. Дизайн-лойиҳанинг бадий-муҳандислик қисми

- 1.1. Лойиҳалаш учун дастлабки маълумотлар ва техник топшириқни шаклланишини ишлаб чиқиш
- 1.2. Берилган кийим ассортименти учун замонавий мода йўналиши тавсифи
- 1.3. Эскиз лойиҳани ишлаб чиқиш
- 2. Дизайн-лойиҳанинг бадий-конструкторлик қисми
- 2.1. Лойиҳа объект пакетини конфекционлаш
- 2.2. Асос конструкция қуриш усулини асослаб танлаш
- 2.3. АК чизмасини қуриш учун дастлабки маълумотлар
- 2.4. Лойиҳаланаётган модель АК ҳисоби
- 2.5. АК ва МК конструкцияларини конструктив моделлаш
- 2.6. Буюм тикиш технологиясини асослаш қисқача тавсифи ва модел асосий узеллари конструкциясини ишлаб чиқиш
- 2.7. Ишчи хужжатларни тузиш
- 2.7.1. Янги модел андозаларини тайёрлаш принциплари
- 2.7.2. Буюмни макетда текшириш ишлари қилинган деталлар конструкцияси бошланғич намуна тайёрлаш йўли билан текшириш
- 2.7.3. Лойиҳаланаётган моделга газлама сарфлаш нормасининг ҳисоби

3. Технологик қисм

- 3.1. Тикув буюмларини ишлаб чиқариш технологик боғлиқлигини таҳлили
- 3.1.1. Асбоб-ускуна ва тикиш усуллари танлаш ва асослаш
- 3.1.2. Моделларга газлама сарфини ҳисоблаш
- 3.1.3. Буюмни тикиш технологик тартибини тузиш
- 3.1.4. Тикув буюмига ишлов бериш технологик графини тузиш
- 3.2. Тикув цехи ва ишлаб чиқариш оқимларини ҳисоблаш
- 3.2.1. Ишлаб чиқариш оқимларини лойиҳалаш
- 3.2.2. Ишлаб чиқариш оқимини ташкилий-технологик ечимини ва дастлабки маълумотларни тузиш
- 3.2.3. Ишлаб чиқариш оқимини ташкилий технологик ечимини техник иқтисодий таҳлили
- 3.2.4. Ишлаб чиқариш оқимида иш ўринларини жойлаштириш ва цех планини тузиш

4. Экологик қисм

5. Иқтисодий қисм

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар

Кириш

Кириш

Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик ва енгил саноат ривожланиши учун катта миқдордаги табиий хом ашё ресурслари мавжуд. Ушбу ресурслардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, аввало ички бозоримизни тўлдириб, сўнгра сифатли ва рақобат бардош буюмлар билан жаҳон бозорига чиқиш республикамиз иқтисодиётининг етакчи йўналишларидан биридир. Шу боис мамлакатимизда енгил саноат тизимини такомиллаштириш ва уни ҳозирги замон талабларига мослаштириш, замонавий технологияларга асосланган жаҳон андозалари даражасидаги тизимни яратиш умумдават сиёсатини муҳим вазифасидан бири ҳисобланмоқда.

Бунга мисол қилиб Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 ноябрда «2005 йилгача бўлган даврда маҳаллий хом-ашё негизида буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш» дастурига киритилган лойихаларни аниқлаштириш туғрисида»ги 456-сонли қарори ҳамда маҳсулотларни сотишни бозор принципларини ва механизмларини кенг жорий этиш, марказлаштирилган тақсимлаш тизимини тугатиш, мулкчилик шаклидан катъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника ресурслари олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, бозор нархлари шакллантирилиш механизмининг такомиллаштириш масалалари олға сурилмоқда.

Агар хом ашё ва материалларни қайта ишловчи кичик ва ўрта корхоналар фаолияти ривожлантирилса, бу биринчидан, халқимизнинг маҳсулотларга бўлган талабини қондиради, иккинчидан хом ашё экспортини камайтириб, балки уларни тайёр маҳсулот импорти ва валютани ташқи давлатларга оқиб чиқиб кетиши камаяди. Учинчидан хом ашё ва материалларни қайта ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар бошқа тармоқлардаги кичик ва ўрта корхоналарга нисбатан кўпроқ ишчи кучларини талаб қилади. Бу эса мавжуд ишсизлик масалаларини ҳал этишга ёрдам беради.

Албатта бу ерда кичик ва ўрта корхоналар йирик корхоналар билан бирга фаолият юритади. Барқарор иқтисодиётли мамлакатларда бизнесни муваффақиятли ривожланиши сабабларидан бири шуки, у майда бизнесга қарши қўйилмайди. Бу мамлакатларда йирик ва майда корхоналарни кооперациялаш принципи амалга киритилмоқда, бунда йирик бирлашмалар кичик бизнесни эзиб қўймайди, балки улар айрим ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш соҳасида ва инновация ишланмаларида бир бирларини тўлдирадилар.

Агарда ташкил этилаётган кичик ва ўрта корхоналар йирик корхоналар билан ҳамкорликда, шартнома асосида фаолият юритиш тизимини ривожлантиришса бу икки томон учун ҳам самарали бўлади.

Енгил саноатни бошқаришни такомиллаштириш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратилиши лозимдир. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор қаратиш керак.

1. Ички ва ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларни амалга ошириш, енгил саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўсишини ўрганиш ва башорат қилиш;
2. Республика истеъмол бозори аҳоли ўртасида харидоргир бўлган юқори сифатли енгил саноат маҳсулотлари билан тўлдирилишини таъминлаш;
3. Тармоқнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, кичик корхоналар томонидан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини қулайлаштириш ҳамда уларни жаҳон бозорларига йўналтириш;
4. Пахта толасидан, бошка маҳаллий хом ашё ва материаллар манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
5. Тармоқда янги техника ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, енгил саноат корхоналари республиканинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларида жойлаштиришни ташкил қилиш;
6. Замонавий технологияларни жорий этиш, янги ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тармоқ корхоналарини янги техника билан жиҳозлаш учун хорижий сармояларни кенг жалб этиш;
7. Бозор ислохотларини самарали амалга ошириш учун мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш каби асосий вазифа ва йуналишларни белгилаб берди;

Ишлаб чиқариш тизими ички ва ташқи бозор талабини узлуксиз қондиришга мослашган бўлиши керак, бунга иқтисодий тизим стратегик йуналишларини рационал танлаш орқали эришилади. Ички ва ташқи бозор талабини барқарор қондириш учун кўпгина омилларни ҳисобга олиш зарур. Бу омиллар (товар хусусияти, ишлаб чиқариш харажатлари, товар нарҳи, товарга талаб, сотиш ҳажми, даромад ва бошқалар) таъсирини ахборот технологиялари ва тизимли математик моделларни қўллаш орқали аниқлаш юқори самара беради.

Енгил саноат қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва ижтимоий соҳалардан таркиб топган мураккаб динамик тизимдир. Енгил саноат тармоқлари ривожланиш мутаносиблиги ўсиш даражаси ва ишлаб чиқариш самарадорлиги, асосан, бошқариш даражасининг сифатига боғлиқ, Шунинг учун тизимли моделлаштириш ва компьютер технологияси асосида енгил саноат тармоқларини бошқаришни оптималлаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шу сабабли мен ушбу битирув малакавий ишим «Классик услубдаги эркаклар костюми янги модели дизайн лойиҳасини ва уни тайёрлаш технологик жараёнларини

ишлаб чиқиш» мавзусини замонавий компьютер дастурларидан AutoCAD 2010, Adobe Photoshop CS4, GERBER тизимидан кенг фойдаланган ҳолда ёздим. Технологик жараёнларни лойиҳалашда мен замонавий асбоб-ускуналардан яъни, дунёдаги етакчи ҳисобланган Германия давлатининг PFAFF, MAIER тикув машиналаридан ва Италиянинг ROTONDI пресс ва дазмолларидан фойдаланган ҳолда туздим. Ушбу фирмаларнинг асбоб-ускуналарини танлашимдан асосий сабаб шундаки, бу корхоналар ишлаб чиқараётган асбоб-ускуналари ҳозирги жаҳон иновацияларига асосланган ҳолда яратилганлиги билан бир қаторда эксплуатацион ва иқтисодий талабларга тўлиқ жавоб бериб, маҳсулотларни сифат даражасини дунё стандартларига мос равишда ишлаб чиқариш имконини беради.

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган мазкур битирув малакавий иши кириш, 5та боб, умумий хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйиҳатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида замонавий мода йўналиши яъни «Бадий муҳандислик» қисми ўрганилди.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида «Муҳандис конструкторлик» қисми ва унинг методикаси танлаб асосланган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида «Технологик» қисми ўрганилган.

Битирув малакавий ишининг тўртинчи бобида енгил саноат корхоналарида хавфсиз иш зонасини ташкил этиш тўғрисида сўз юритилган ва унинг имкониятлари ўрганилган.

Битирув малакавий ишининг бешинчи бобида иқтисодий кўрсаткичлар қисми ўрганилиб таҳлил қилинган.

Хулоса қисмида битирув малакавий иши юзасидан таклиф ва мулоҳазалар берилган.

1. Дизайн-лойиҳанинг бадгий-муҳандислик қисми

1.1. Лойиҳалаш учун дастлабки маълумотлар ва техник топшириқни шаклланишини ишлаб чиқиш

Техник топшириқ - кийим асосий вазифаси, техник ва технологик характеристикаси, сифат кўрсаткичлари ва техник-иқтисодий талаблар, лойиҳани бажариш асосий этаплари кўрсатилган конструкторлик ҳужжатидир.

Лойиҳа объекти: эркалар костюми (пиджак ва шим)

Лойиҳа объекти вазифаси: кундалик

Тананинг антропометрик тавсифи: $T_1 - 176$, $T_{16} - 100$, $T_{18} - 88$

Материал номи: авра – костюмбоп газлама, астар – шойи, котирма – дублирин

Ёш гуруҳи: ўрта ёш

Мавсуми: кузги – баҳорги

Кийимга қўйиладиган талаблар

Эркалар костюмига қўйиладиган талаблар икки гуруҳга бўлинади: истеъмолчи ва техник-иқтисодий. Истеъмолчи талаблари инсон ўз эҳтиёжини қондиришга қаратилгандир, улар ижтимоий, эстетик, эргономик ва эксплуатацион талабларни ўз ичига олган.

Ижтимоий талаблар - кийимнинг аҳоли эҳтиёжларига мослигини, уни ишлаб чиқариш ва сотиш заруратини белгилайди.

Функционал талаблар - кийимнинг асосий функциясига мослигини, истеъмолчининг психологик хусусиятлари ва ташқи қиёфасига мослигини характерлайди. Эркалар костюмини асосий вазифаси – кундалик кийиш ва сайр қилиш учун мўлжалланганлиги. Эркалар пиджаги – ўрта ёшли кишилар учун мосдир.

Эстетик талаблар – кийим сифатини баҳолашда муҳим ўрин тутadi ва кийим кўринишининг безатилиши, композицион ечимини характерлайди. Эркалар пиджаги замонавий мода йўналишига мос, унинг композицион ечими, безак элементлари кундалик костюми учун муносибдир.

Эргономик талаблар – кийимни кийиш мобайнида унинг инсонга қулай шароит туғдириш хусусиятларини белгилайди. Эркалар костюмини баҳор ва куз мавсумида кундалик кийишга энг қулай ва шинам кийимдир.

Эксплуатацион талаблар – кийимдан фойдаланиш ва кийиш мобайнида унинг ташқи кўринишининг ўзгармаслиги, тез эскирмаслиги ва маълум муддатда хизмат қилиш қобилиятини белгилайди. Комплект материали кирчимол, фактураси силлиқ бўлганидан

кир ва чангни ўзига кам юқтиради. Эркалар комплекти дазмоллашга, емирилиш ва йиртилишга, нам ҳаво таъсирига чидамли бўлиши керак.

Техник – иқтисодий талаблар – кийим конструкциясининг техник жиҳатдан такомиллигини, уни лойиҳалаш ва тикиш, усуллари, кийимни ишлаб чиқаришга кетган сарф-ҳаражатларни характерлайди. **Техник – иқтисодий кўрсаткичларга** унификация ва стандартизация кўрсаткичи, технологик жиҳатдан қулайлик, тежамкорлик кўрсаткичлари киради.

Буюмга қўйиладиган талабларни конкретлаштириш учун сифат кўрсаткичларини «ранжирлаш» билан баҳоланади.

Лойиҳаланаётган объект сифат кўрсаткичларини ранжирлаш

1.1-жадвал

Сифат кўрсаткичи номи		Ранг
1 - даража	2 - даража	
Истеъмолчи, шу жумладан:	Гигиеник	3
	Эргономик	3
	Эксплуатацион	4
	Функционал	2
	Эстетик	1
Техник -иқтисодий	Унификация ва стандартизация	1
	Технологик жиҳатдан қулайлик	2
	Тежамкорлик	3

1.2.Берилган кийим ассортименти учун замонавий мода

йўналиши тавсифи

Классик услубдаги эркаклар костюми учун мода йўналиши дунё мода йўналиши таъсирида бўлиб, бунда эркакларнинг обро-эътибори ва мавқеи муҳим ўрин эгаллайди. Модани йўналтирувчи асосий вақт бўлиб, XX асрнинг охириги учлиги хизмат қилади. Лекин бу даврнинг модаси бутунлигича қайтарилмайди, фақатгина ўша давр услубининг замонавийлашган маълум элементлари қўлланилади. Эркаклар костюмида ҳам шу жараёнлар такрорланади.

Классик услубдаги эркаклар костюмининг бшлинмас қисми бу албатта – пиджакдир. 2010 йилда эркаклар пиджаги замонавий мода йўналиши қуйидагича: фигура шаклини тўла қайтарадиган, компакт кўринишдаги ихчам пиджаклар, блейзер урф бўлади. Пиджаклар икки бортли ёки бир бортли бўлиши мумкин, битта ёки иккита тугмали. Бир бортли пиджакда измалар лацкан қайириш чизигидан 2-3см пастда ва қуйи изма ён чўнтак давомида ёки 1-1,5см баландроқ қўйилиши урфдир. Енг қисмида 3 ёки 4 тадан тугма қўйилмоқда. Пиджакни конструкциясини қуришда размерни 2-3 размер кичик олиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу йил мавсумида енг ва пиджак узунлиги калта бўлиб, енгдан запонкалик сарочка енг чикиб туриши керак.

Шу жумладан, эркаклар костюмининг бошқа қисмлари яъни:

Шимлар – тўғри, кенг ёки тор, шу билан бирга кенг, лекин почаси торайтирилган. Шим ён чунтаклари қияма, қирқма мағизли, чок давомидаги турлари қўлланилмоқда. Авангард услубдаги калта шимлар, қайтарма манжетли шимлар ҳам урфдир.

Сорочка – ёпишган силуэтли, енг - иккитали, запонкага тақиладиган манжетли урфдир. Манжет ва ёқа қисмлари анча катта ва шакли сақлаш учун қалин қотирмалардан фойдаланилмоқда. Сорочка ранги – галстук ва пиджак ранги билан ўхшаш. Шу билан бирга - оқ рангли сорочкалар урфдир.

Ранглар – қора ва оқ, кулранг ва яшил, жигарранг, тўқ кўк, тўқ бинафша ва х.з.

Материаллар – ингичка (юпка) тоза жун газламалар, аралаш газламалар, кашемир, ипак аралашмали атлас, жаккард ва саржа тўқимали газламалар, эластанли чўзилувчан газламалар, габардин, вельвет ва бархат.

Нақш ва газлама гули – классик ингичка йул-йул гулли, билинар-билинмас клетка, мураккаб ўсимлик нусхали нақшлар. Газлама ялтирок ёки тим рангда (ялтирамаган) бўлиши мумкин.

1- модел тавсифи

Костюмбоп синтетик газламадан тикилган комплект, шим ва пиджакдан иборат. Комплект бир рангли газламадан тикилган. Газлама фактураси оғир, қора рангли, ялтироқ сидирга газлама (PANTONE 426C). Комплект баҳор ва куз фаслида кийиш учун мўлжалланган. Пиджак узунлиги бўксагача. Пиджак кенглиги уртача, силуэти - ярим ёпишган. Тақилмаси бир бортли очиқ тақилмали, иккитта тугма ва измада. Тугма ён чўнтак сатҳидан 1,5см баландда жойлаштирилган, ёқаси – костюм ёқа. Пиджак олд бўлагида кўкрак виточкаси бўлиб, рельеф кўкрак учидан қирқма чўнтак томон йуналтирилган. Ёнг икки чокли, узунлиги билаккача. Ёнг тирсак чокида шлица лойихаланган, учта безак тугма тикилган. Тугмалар диаметри борт тақилмасида 22мм, ёнг кесимида 16мм. Пиджак олд бўлак ён томонда иккита қирқма қопқоқли чўнтак ва чап томонда листочкали кўкрак чўнтак тикилган. Чўнтак қопқоғи тўртбурчаксимон, бурчаклари оваллаштирилган . Пиджак орт бўлаги ўрта чокли, ёнг ўмизидан ўтувчи рельеф чокли. Орт бўлак ўрта чокида шлица қирқими мавжуд. Пиджак астарида иккита қўш мағизли ички чўнтак ва битта қўш мағизли чақа чўнтак лойихаланган.

Костюмнинг шим қисми ним ёпишган, молния тақилмали. Ён чокида қирқма чўнтаги мавжуд. Ўнг орт бўлак қисмида листочкали қирқма чўнтаги мавжуд. Шим узунлиги- тўпиккача.

2- модел тавсифи

Костюмбоп синтетик газламадан тикилган комплект, шим ва пиджакдан иборат. Комплект бир рангли газламадан тикилган. Газлама кул рангли сидирга газлама (PANTONE 430C). Комплект баҳор ва куз фаслида кийиш учун мўлжалланган. Пиджак узунлиги бўксагача. Пиджак кенглиги уртача, силуэти - ярим ёпишган. Тақилмаси бир бортли очик тақилмали, учта тугма ва измада. Тугма ён чўнтак сатҳида жойлаштирилган, ёқаси – костюм ёқа. Пиджак олд бўлагидан кўкрак виточки ёлиб, рельеф кўкрак учидан қирқма чўнтак томон йуналтирилган. Ёнг икки чокли, узунлиги билаккача. Ёнг тирсак чокида шлица лойихаланган, тўртта безак тугма тикилган. Тугмалар диаметри борт тақилмасида 22мм, ёнг кесимида 16мм. Пиджак олд бўлак ён томонда иккита қирқма қопқокли чўнтак ва чап томонда листочки кўкрак чўнтак тикилган. Чўнтак қопқоги тўртбурчаксимон, бурчак остида жойлаштирилган. Пиджак орт бўлаги ўрта чокли, ёнг ўмизидан ўтувчи рельеф чокли. Орт бўлак ён чокида шлица қирқимлари мавжуд. Пиджак астаарида иккита қўш мағизли ички чўнтак ва битта қўш мағизли чақа чўнтак лойихаланган.

Костюмнинг шим қисми ним ёпишган, молния тақилмали. Ён чокида қирқма чўнтаги мавжуд. Ёнг орт бўлак қисмида листочки қирқма чўнтаги мавжуд. Шим узунлиги- тўпиқкача.

3- модел тавсифи

Костюмбоп синтетик газламадан тикилган комплект, шим ва пиджакдан иборат. Комплект бир рангли газламадан тикилган. Газлама тўқ кўк рангли майда гулли газлама (PANTONE 2667C). Комплект баҳор ва куз фаслида кийиш учун мўлжалланган. Пиджак узунлиги бўксагача. Пиджак кенглиги уртача, силуэти - ярим ёпишган. Тақилмаси бир бортли очик тақилмали, битта тугма ва измада. Тугма ён чўнтак сатҳидан 3см баландда жойлаштирилган, ёқаси – смокинг ёқа. Тугма диаметри борт тақилмасида 22мм. Пиджак олд бўлагида рельеф бўлиб, рельеф елка қирқими ўртасидан пиджак этаги томон йуналтирилган. Пиджак олд бўлак рельеф давомида иккита қоплама чўнтак ва чап томонда листочкали кўкрак чўнтаги тикилган. Чўнтак листочкаси тўртбурчаксимон, бурчак остида жойлаштирилган. Енг икки чокли, узунлиги билаккача. Пиджак орт бўлаги ўрта чокли, енг ўмизидан ўтувчи рельеф чокли. Орт бўлак ўрта чокида шлица қирқими мавжуд. Пиджак астарида битта қўш мағизли ички чўнтак ва битта қўш мағизли чақа чўнтак лойиҳаланган.

Костюмнинг шим қисми ним ёпишган, молния тақилмали. Ён чокида қирқма чўнтаги мавжуд. Ўнг орт бўлак қисмида листочкали қирқма чўнтаги мавжуд. Шим узунлиги- тўпиккача.

Таклиф моделларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича баҳоланиши

1.2-жадвал

№	Гуруҳли ва якка сифат кўрсаткичларининг номи	СК Белгиланиши	СК аҳамиятлилиги			
			АТМ-1	ТМ-2	ТМ-3	Эталон
I	Истеъмолчи СК	К1	63,5	67,5	78,98	63,5
	Функционал	К21	11,5	11,5	10,94	11,5
	Ижтимоий	К11	11,5	10	18,25	11,5
	Эстетик	К31	15	17,5	20,41	15
	Эргономик	К41	13	16	15,26	13
	Эксплуатацион	К51	12,5	13,5	14,12	12,5
II	Техник-иқтисодий СК	К2	36,5	32,5	21,02	36,5
	Стандартизация ва унификация	К12	11	11	8,16	11
	Ишлов беришга қулайлик	К22	14,5	11,5	8,71	14,5
	Тежамлилиқ	К32	11	10	4,15	11
	Жами	Σ	100	100	100	100

2. Дизайн-лойиҳанинг муҳандис-конструкторлик қисми

2.1. Лойиҳа объект пакетини конфекционлаш

Асосий авра газлама сифатида жун, яримжун, лавсан, тукли ва шаклни сақловчи синтетик костюмбоп газламалар тавсия этилади. Пиджак учун энг кўп тарқалган авра газламалар ассортиментига трико, мовут, вельвет, джинс, коверкот, твид, фланель каби классик артикуллар билан бир қаторда, чўзилувчан силлиқ ва тукли, жаккард синтетик газламалар артикули ҳам киради. Авра газламалар кам ғижимланувчан, шакл сақловчи, чўзилмайдиган, киришмайдиган, пишиқ, кирчимол бўлиши керак. Бу талаблар айниқса иш ва кундалик кийиш учун мўлжалланган пиджаклар учун муҳимдир. Шу билан бирга авра газлама ранги офтоб ва об-ҳаво таъсирига, ишқаланишга, дазмоллашга чидамли бўлиши керак.

Эркаklar классик пиджаги учун ишлатиладиган энг асосий газламалар ярим жун костюмбоп ва лавсан толали газламалар бўлиб, уларнинг толавий таркиби 40%-жун, 60%-лавсан ёки аксинча.

Таркибида вискоза толали ярим жун газламаларда вискоза толаси 50% ни ташкил қилади, улар лавсан толали газламага қараганда киришувчан ва ғижимланувчандир. Шу билан бирга эркаklar пиджаги учун тозажун газламалар (100% жун) ҳам ишлатилади. Улар таркибига фақат озгина (2-8%) капрон толаси қўшилиши мумкин.

Пиджак астари учун синтетик ва шойи астарлик газламалар тавсия этилади. Одам ҳаракат қилганда пиджак бўлаклари қўлни ҳар томонга кўтаришга, олдинга энгашишга, қўлни букишга ҳалақит қилмаслиги керак. Шунинг учун астар газлама силлиқ, сирпанувчан фактурали (сиртли) бўлгани маъқулдир.

Қотирмалик материаллар сифатида бортга қўйиладиган газламалар, дублирин, нотўқима материаллар (флизелин ва прокламелин типдаги) ва бошқа газламалар ишлатилади.

Пиджак учун мўлжалланган замонавий қотирма газламаларга қуйидагилар киради:

- елим қопламали кўп зонали қотирма материал, олд бўлакка бутунига бўй баробар ёпиштирилади;
- пиджак лацканига (адип қайтармасига) қўйиладиган елим қопламали трикотаж полотноси;
- зиғир толали газламадан борт қотирмаси (борт қотирмасининг 2-қўшимча қавати) учун;
- лацканни букиш чизиғига, шлицага, чўнтак оғзига қўйиладиган елим кукуни суртилган сурп газламадан елим уқа (елимли кромка);

- ён бўлак енг ўмизи, буйин ўмизи ва орт енг ўмизи шаклини турғунлаштириш учун ишлатиладиган тукли елимли қотирма газлама.

Пиджак учун лавсан толали газламалар, оғир текстурланган ипли зич тўқилган (юза зичлиги 140 - 190 г/м²), текстурланган полиэфир ипларидан тўқилган силлиқ фактурали газламалар ҳам тавсия этилади. Уларнинг толавий таркиби 40%-жун, 60%-лавсан, 100% сунъий тола ва бошқа аралашмалидир ёки аксинча. Таркибида вискоза толали ярим жун газламаларда вискоза толаси 50% ни ташкил қилади, улар лавсан толали газламага караганда киришувчан ва гижимланувчандир. Ипли костюмбоп газламалар туркумига вельвет, джинс, коверкот кабилар киради. Бундай газламаларга қўйиладиган муҳим талаблардан бири – эгилучанлик, эластиклик, драпланувчанлик бўлиб, улар кийим тикиш технологиясига ҳам таъсир кўрсатади.

Тавсия қилинган материаллар характеристикаси

2.1-жадвал

№	Материал номи	Тола таркиби		10см да зичлиги		Ўрилиши	Кенглиги, см	Оғирлиги, гр/м ²
		танда	арқоқ	танда	арқоқ			
1	Костюмбоп синтетик газлама	вискоза	полиэфир	700	640	Волокно	150	140 – 190
2	Астарлик	вискоза	вискоза	420	360	Саржа	140	80 – 100
3	Дублирин	вискоза	вискоза	270	230	Волокно	150	90 – 120

2.2. Асосий конструкция қуриш усулини асослаб танлаш

Кийимни конструкциялаш – бу мураккаб жараён. Бу тикувчилик буюмларини лойиҳалаш умумий жараённинг таркибий қисми бўлиб, бу ишда модельер-рассомлар, конструкторлар, материалшунослар, технологлар сингари кўплаб мутахассислар меҳнат қилади. Эркаклар классик костюмини конструкциялашда ЕМКО СЭВ методикасидан фойдаланилади. Бу усул аналитик ҳисоблаш усули қаторига киради, у илмий жиҳатдан асосланган бўлиб, типавий фигуралар классификациясига таянади, ҳамда тикувчилик саноатида, индивидуал (якка буюртма асосида) ишлаб чиқаришда кенг қўлланади. Усулнинг афзаллиги шундаки, ҳисоб формулалар математик жиҳатдан асосланган ҳамда конструктив параметрлар ва конструктив қўшимчалар орасидаги қонуний боғланишларни ўзида акс эттирган.

ЕМКО СЭВ методикаси бўйича конструкция икки этапда қурилади: биринчиси бўйича – асос конструкция қуриш; иккинчи этапда эса – декоратив чизиқлар ва модел хусусиятларини чизиш. Конструкциянинг барча элементлари ҳисоб формулалар орқали топилади. Мода ва модел ўзгариши билан чизма қуриш приёмлари ва асосий формулалар структураси ўзгармайди. Фақат алоҳида параметрлар ва коэффициентлар ўзгариши мумкин. Усул бўйича конструкция қуришда икки типдаги дастлабки маълумотлардан фойдаланиш мумкин: типавий фигуралар ўлчами ва индивидуал фигуралар ўлчамидан.

Ушбу методика нисбатан янги бўлиб, у тикув корхоналарига тадбиқ қилинган. ЕМКО СЭВ турли ёш-жинс гуруҳлари учун кийимларни конструкциялашда қўлланиши мумкин: аёллар, эркаклар, қиз ва ўғил болалар. Методика кўрсатилган гуруҳлардаги аҳоли учун устки, енгил, елкали ва бел кийимлари барча турларини конструкциялашда қўлланади ва шу сабабли у универсал ҳисобланади. Методиканинг яна бир хусусияти унда асосий конструктив бўлақларни конструкциялаш мода йўналиши, кийим технологияси ва материал хусусиятларига боғлиқ эмас. Ҳар бир ҳисоб формуласи ўз тартиб номерига эга, барча кийим турларини қуришнинг ягона тартиби белгиланган.

Конструктив бўлақлар размер ўлчамлари ва уларга мос конструктив қўшимчалар, технологик қўшимчалар тизими орқали аниқланади. ЕМКО СЭВда асосий биринчи турдаги формулалар ишлатилган.

ЕМКО СЭВнинг яна бир афзаллиги - конструкцияни автоматлаштирилган тарзда қуриш имкониятидир. Ҳисоб формулалари тартиби ва АК график қуриш усуллари алгоритмлаш ва ЭХМ дастурини қуриш учун қулай ҳисобланади.

Типовий (индивидуал) фигуранинг ўлчамлари

2.2.-жадвал

№	Ўлчамлар номи	Шартли белгиси	Киймати, см
1	2	3	4
1	Бўй	T1	176,0
2	Бўйин асос нукта баландлиги	T4	151,0
3	Бўйин нукта баландлиги	T10	151,6
4	Бел чизиғи баландлиги	T7	109,9
5	Кўкрак баландлиги	T35	35,5
6	Бўйин айланаси	T13	41,0
7	Кўкракнинг биринчи айланаси	T14	102,3
8	Кўкракнинг иккинчи айланаси	T15	104,0
9	Кўкракнинг учинчи айланаси	T16	100,0
10	Бел айланаси	T18	88,0
11	Бўкса айланаси	T19	103,8
12	Елка айланаси	T28	32,2
13	Елка кенглиги	T31	15,5
14	Гавда олд қисмининг белгача узунлиги	T36	55,6
15	Олд енг ўмиз баландлиги	T34	28,8
16	Курак туртиб чиққан нуқталарини ҳисобга олган ҳолда орт бўлак узунлик	T40	45,5
17	Елка қия баландлиги	T41	48,9
18	Орка бел чизиғидан бўйин асос нуқтасигача бўлган оралик	T43	50,1
19	Кўкрак кенглиги	T45	38,3
20	Кўкрак маркази	T46	22,7
21	Гавда орт қисмининг кенглиги	T47	40,7
22	Тирсаккача қўл узунлиги	T32	49,3
23	Қўлнинг билаккача узунлиги	T33	74,9
24	Думба ости таҳламаси баландлиги	T12	80,8
25	Елка нуқтасидан ўтган ёй	T38	36,1
26	Бўйин асос нуқтасидан утган ёй	T44	95,2
27	Бел чизиғидан ўтириш юзасигача бўлган масофа	T49	26,2

АК қуриш учун қўшимчалар

2.3.-жадвал

№	Қўшимчалар номи	Шартли белгиси	Қиймати, см.
1	2	3	4
1	Кўкрак ярим айланасига қўшимча	ПО _{кўк}	6,7
2	Бўкса ярим айланасига қўшимча	ПО _{бўк}	4,0
3	Елка айланасига қўшимча	ПШ _{орт}	8,0
4	Орт бўлак кенглигига қўшимча	П _{енг.ўм.}	1,5
5	Олд бўлак кенглигига қўшимча	ПД _{орт}	1,2
6	Енг ўмизи бемалоллигига (чуқурлигига) қўшимча	ПД _{олд}	2,5
7	Орт бўлакнинг белгача узунлигига қўшимча	ПВ _{енг}	0,7
8	Олд бўлакнинг белгача узунлигига қўшимча	ПВ _{ёстик}	0,8
9	Орт бўйин ўмизи кенглигига қўшимча	П _{ёстик}	1,0
10	Енг қиямаси баландлигига қўшимча	П _{вок}	0,9
11	Елка ёстикчаси баландлиги учун елка чоки узунлигига қўшимча	П _{уп}	2,5
12	Елка ёстикчаси қалинлигига қўшимча	П _{пл}	1,0

2.4. Лойиҳаланиётган модел АК ҳисоби

2.4.-жадвал

№	Конструкция бўлаги	Ҳисоби	Қиймати, см
1	2	3	4
1	11 – 91	$T40 + (T7 - T12) + П$	77,35
2	11 – 21	$0,3T40 + П$	15,5
3	11 – 31	$T39 + П$	23,35
4	11-41	$T40 + П$	47,8
5	41-51	$0,65(T7 - T12) + П$	19,2
6	31-33	$0,5T47 + П$	22,45
7	33-35	$T57 + П$	16,0
8	35-37	$0,5(45 + T15 - 0,8 - T14) + П$	21,7
9	31-37	$/31 - 33/+33 - 35/+35 - 37/$	60,15
10	37-47	$T40 - T39 + П$	24,6
11	47-57	$0,65(T7 - T12) + П$	19,3
12	47-97	$T7 - T12 + П$	30,7
13	33-13	$0,5T38 + П$	19,8
14	35-15	$0,44T38 + П$	18,05
15	33-331	$П$	4,0
16	35-351	$П$	4,0
17	331-342	$0,62/33-35/+a_{17}$	9,9
18	351-346	$0,38/33-35/-a_{18}$	5,1
19	331-332	$0,62/33-35/+a_{19}$	11,4
20	R332-342	$0,38/33-35/-a_{19}$	11,4
20.1	R341-342	$0,38/33-35/-a_{19}$	11,4
20.2	341∩332	$К$	
20.3	R332-13	$К$	
21	351-352	$0,38/33-35/- a_{21}$	5,1
22	R352-343	$0,38/33-35/- a_{21}$	5,1
22.1	R346-343	$0,38/33-35/- a_{21}$	5,1
22.2	346∩352	$К$	
22.3	R352-15	$К$	
23	11-111	011	0,5
24	41-411	041	1,5
25	51-511	051	1,5
26	91-911	091	1,5
27	111-12	$0,18T13 + П$	7,9
28	111-112	$0,25/111-12/$	2,0
29	12-121	$0,08T13 + П$	2,65
30	13-14	$(3,5 ÷ 4,0) - 0,08T47$	0,5
31	121-122	$0,45/121-14/$	К
32	31-32	$0,17 T47 + 011 + П$	8,5
33	122-22	$0,45/122-32/$	К
34	4122-22-122'	$\beta_{31} - 1,7t_{un} - 0,9ПC_{31-33}$	9,5°
35	R122-14'	$122'-14$	

36	$R22-141$	$22-14'$	
36.1	$R121-141$	$121-14$	
37	$R22-123$	$22-123'$	
38	$121-113$	K	
38.1	$111-113$		
39	$R121-114$	$/121-113/-a_{39}$	
39.1	$R112-114$	$/121-113/-a_{39}$	
40	$121 \cap 112$	K	
41	$14'-342'$	K	
41.1	$332-342'$	K	
42	$R14'-342''$	$14'-342'$	
42.1	$R332-342''$	$14'-342'$	
43	$332 \cap 14'$	K	
44	$47-471$	$0,24T18-0,5(T45+T15-0,8-T14)$	1,5
45	$471-46$	$0,5T46+\Pi$	12,4
46	$46-471'$	K	
47	$47-36$	$T36-T35+\Pi$	21,1
48	$36-371$	K	
49	$36-372$	$T35-T34+\Pi$	7,55
50	$R36-372'$	$36-372$	
50.1	$372-372'$	$0,5(T15-0,8-T14)+\Pi T$	0,75
50.2	$R36-371'$	$36-371$	
51	$371'-361'$	$0,18T13+\Pi$	8,25
52	$R36-16$	$T44-(T40+0,08T13-0,7)-(T36-T35)+\Pi$	28,7
53	$R16-14''$	$121-14$	
54	$16-161$	$0,195T13+\Pi$	8,85
55	$16-171$	K	
55.1	$17-171$	K	
56	$R16-172$	$16-171$	
56.1	$R17-172$	$16-171$	
57	$16 \cap 17$	K	
58	$R14''-343'$	K	
58.1	$352-343'$	K	
59	$R14''-343''$	$14''-343'$	
59.1	$R352-343''$	$14''-343'$	
60	$352 \cap 14''$	K	
61	$411-470$	$0,5T18+\Pi$	51,5
62	$511-570$	$0,5T19+\Pi$	56,75
63	Енг ўмизи ва енг қиямаси ҳисоби		
63.1	$ДП$	$0,95T38+(\Pi_{33-13}+\Pi_{35-15})+0,57(T57+\Pi_{33-35})+2/33-331/$	55,3
63.2	$ПОР$	$ИДП$	3,85
63.3	$ДОР$	$(1+И)ДП$	59,15
	Енг		
64	$331-351$	$33-35$	16,0
65	$331-341$	$0,62/33-35/+a_{17}$	9,9
66	$351-346$	$0,38/33-35/-a_{18}$	5,1

67	331-332	$0,62/33-35/+ a_{19}$	11,4
68	R332-342	$0,62/33-35/+ a_{19}$	11,4
68.1	R341-342	$0,62/33-35/+ a_{19}$	11,4
68.2	341∩342	K	
69	351-352	$0,38/33-35/- a_{21}$	5,1
70	R352-343	$0,38/33-35/- a_{21}$	5,1
70.1	R346-343	$0,38/33-35/- a_{21}$	5,1
70.2	346∩352	K	
71	351-333	$T57+4,0+Π$	21,1
72	333-13	$0,885_{ДОР} \sqrt{0,25 - \left(\frac{ШОР}{ДОР}\right)^2}$	18,35
73	13-14	$0,45/351-333/$	9,5
74	13-141	$0,73/351-333/$	15,4
75	15-141'	15-141	
76	141'-353	$0,5/141'-343/$	
77	R353-354	353-343	
78	141-142	141-15	
79	14-143	$0,5/14-141/$	
80	13-131	$0,25/333-13/$	4,6
81	131-132	ШОР-ШП-4,0	0,45
82	132-344	$0,5/132-342/$	
83	R344-345	344-342	
84	13'-133	13'-133'	
85	133-134	$0,5/133-132/$	
86	133-144	$0,5/133-14/$	
87		$\beta 87$	2,5°
88	13-333-93	$T33-/121-14/+Π$	66,0
89	13-333-43	$T32-/121-14/+Π$	37,85
90	95-931	$0,5T29+Π$	15,45
91	95-94	$0,5/95-931/$	7,7
92	931-932	$0,5/93-931/$	
93	45-451	K	
Пиджакни конструктив моделлаш			
1	33 – 333	$0,05/33-35/$	0,8
2	351-353	Доимий	3,5
3	51-531	31-33	22,45
4	531-531'	Доимий	1,5
5	55-551	$/351-353/-2,0$	1,0
6	95-951	53-551	1,0
7	55'-551'	$/531-531'/-55-551/$	0,5
8	95'-951'	55'-551'	0,5
9	471-470 (d_1)	$(/31-37/+47-471/)-(/41-411/+411-470/)$	8,65
10	411-412	Доимий	0,4
11	431-432	$0,4 d_1-1,0$	2,45
12	431'-432'	$0,4 d_1-1,0$	2,45
13	451-452	$0,1 d_1-0,4$	1,25

14	451'-452'	0,1 d ₁ -0,4	1,25
28	46-461	Доимий	0,4
29	46'-461'		0,4
15	571-570 (d ₆)	(/31-37/+57-571/)-(/51-511/+511-570/)	4,4
16	511-512	Доимий	0,4
17	531-532	0,5 d ₆ - 0,2	2,0
18	531'-532'	0,5 d ₆ - 0,2	2,0
19	532'-932'	532-932	
20	46-462	0,335/47-57/	6,45
21	462-453	K	
22	46-462'	46-462	
23	446-462'-453'	446-462-453	87°
24	462'-453'	462-453	
25	471'-971'	471-971	
26	R462-462''	1,5÷2,0	1,5
26.1	R36-462''	36-462'	
27	46-461	Доимий	0,4
28	46'-461'		0,4
29	4371-36-371''	4462'-36-462'	
30	4453''-462''-46'	4453'-462'-46	87°
31	453''-462''	453'-462''	
32	371''-971''	371-971'	
33	971''-96''	971-96	
34	971''-571''	971-571	
35	571''-551''	571-551	
36	551''-952''	551-952	
37	123'-123''	ПТ _{нос}	1,0
38	423-22-23'	4123-22-123''	
39	22-23'	22-23	
40	R23'-142	23-14'	
41.1	332-n	K	
41.2	142-n	K	
42.1	R142-O	142- n	
42.2	R332-O	142- n	
42.3	332∩142	K	
Икки чокли енгни конструктив моделлаш			
1	132-333-431-933		
2	355-451-951		
3	933-934	Моделга асосан	8,0
3.1	933-935	Шлица эни	1,5
4	132-135		4,5
5	R132-135'	132-135	4,5
6	431-434	432-433	
7	431-434'	432-433	

8	333-336	334-335	
9	333-336'	334-335	
10	351-356	Моделга асосан	2,0
11	351-356'	351-356	2,0
12	451-452	Моделга асосан	2,0
13	R451-452'	451-452	2,0
13.1	R356-452	356-452	
14	R951-952	Моделга асосан	2,0
15	R951-952'	951-952	2,0
16	R952'-452''	952-452	
17	355-354'	355-354	
18	R355-343'	355-343	
18.1	R351-343'	351-343	
18.2	354'∩357'	K	
Шим АК ҳисоби			
1	41-51	0,65(T7-T12)+ПТ-3,0	16,05
2	51-57	0,5T19+П	54,7
3	51-54	0,53/51-57/	29,0
4	54'-57	0,47/51-57/	25,7
5	44'-940	T26-3,0+ПТ	108,35
6	940-441'	T25-3,02+ПТ	108,9
7	940-440	T8+ПТ	101,7
8	940-64	T27+ПТ	82,2
9	940-74	T9+ПТ	49,9
10	940-94	0,04T1-ПС ^l	4,05
11	51-58	0,665(0,2T19-2,0)+П	13,9
12	57-58'	0,335(0,2T19-2,0)+П	7,15
13	58-52	0,5(/51-58/+51-54/)	21,45
14	54'-56	0,5(/57-58'/+54'-57/)	16,45
15	72-78	0,275T22+П	13,35
16	72-741	0,275T22+П	13,35
17	76-741'	0,275T22+П	10,85
18	76-78'92-98	0,275T22+П	10,85
19	92-941	0,275T51+П	12,5
20	96-941	0,275T51+П	12,5
21	96-941'	0,275T51+П	9,95
22	96-98'	0,275T51+П	9,95
23	41-470	0,5T18+П	47,1
24	72-742'	0,375(/51-54/+51-58/)-2,5	13,6
25	54-44	54-44'	
26	R54-441	54'-441'	
27	R54-511	54-51	
28	R44-411	54-51	
28.1	R511-411	51-41	
29	411-42	51-52	
30	51-512	0,5/51-511/	

31	$68-68I$	a_{31}	
32	$R68I-582$	$68-58I$	
32.1	$R512-582$	$68-58I$	
32.2	$68I \cap 512$	K	
33	$58'-68'$	K	
33.1	$58'-58I'$	$68'-58'$	
34	$R68'-582'$	$68'-58I'$	
34.1	$R57'-582'$	$68'-58I'$	
34.2	$68' \cap 57$	K	
Шимни конструктив моделлаш			
1	$470-47 (d_1)$	$(0,5T19+II)-(0,5T18+II)$	
2	$411-420$	$0,1/41-470/$	
3	$47-460$	$0,1/41-470/$	
4	$411-421$	$0,4/411-44/$	
5	$421-422$	$0,2 d_1$	
6	$421-422'$	$0,2 d_1$	
7	$421-521$	$0,5/41-51/+1,0$	
8	$441-442$	$0,2 d_1$	
9	$441'-442'$	$0,2 d_1$	
10	$46-461$	$0,1 d_1$	
11	$46-461'$	$0,1 d_1$	
12	$46-561$	$0,6/46-56/$	
13	$92-921$	$1,0$	
14	$96-961$	$1,0$	

2.6. Буюм тикиш технологиясини асослаш қисқача тавсифи ва модел асосий узеллари конструкциясини ишлаб чиқиш

Ушбу эркаклар костюмини моделлашда юқорида келтирилган моделлаш жараёнини бажарилди. Пиджакни орт бўлагини моделлашда мен курак виточкасини $\frac{1}{2}$ қисмини енг ўмизига ўткизиш орқали виточкани солқига ўтказиб юборилди. Бел қисмларини одам танаси силуэтини қайтариш учун чуқурлаштирилди. Орт бўлак ўрта чок кесим тахламасини 5см кенгликда ва чўнтак сатҳи узунлигида лойиҳаланди. Олд бўлак кўкрак виточкасини ёпиб, уни чўнтак виточкасига ўтказиб юборилди. Бортда тақилма ҳақиға 2,5см қўшиб, лацкан букиш чизигини кўкрак чизигидан 12см пастда белгилаб, ёқани лойиҳаланди. Қуйи петля ўрнини ён чўнтак сатҳидан 1см баландда лойиҳаланди. Борт четки қисмини биринчи тугма сатҳидан бошлаб чуқурлаштириб борт шакли оваллаштирди.

Енг қисми икки чокли қилиб лойиҳаланди. Тирсак чок давомида кесим тахламаси лойиҳаланди, кесим узунлиги 9см ва чувурлиги 2,5см.

Шим орт бўлагини ўнг қисмида виточка учида листочкали қирқма чўнтак ўрнини белгиланди. Листочка эни 1,5см ва чўнтак узунлиги 14см қилиб лойиҳаланди. Шим ён қирқма чўнтаги узунлигини 18см ва чуқурлигини 6см қилиб моделлаштирди. Шим силуэти ним ёпишган бўлиши учун унинг одим ва бўкса чизиклари чуқурлаштирилди.

2.7. Ишчи хужжатларни тузиш.

Андозалардаги чок ҳақлари

2.5.-жадвал

№	Деталлар ва қирқимлар номи	Чок ҳақи номи ва қиймати, см				Изоҳ
		Бириктирма чок	Мағиз чок	Буклаш- қайиришга	Қирқишга	
01	Орт бўлак ўрта қисми -орт бўлак ўрта чизиғи -ёқа ўмизи қирқими -елка қирқими -релъеф қирқими -этак қирқими	1,0 1,0 1,0 1,0		3,0		
02	Олд бўлак -борт қирқими -ёқа ўмизи қирқими -елка қирқими -енг ўмизи қирқими -ён қирқим -этак қирқим	1,0 1,0 1,0 1,0 1,0		3,0		
03	Орт ён бўлак -енг ўмизи қирқими -ён қирқим -релъеф қирқими -этак қирқими	1,0 1,0 1,0		3,0		
04	Устки енг -тирсак қирқими -енг қиямаси қирқими -олдинги қирқим -енг учи қирқими	1,0 1,0 1,0		3,0		
05	Остки енг -тирсак қирқими -енг ўмизи қирқими -олд қирқими -енг учи қирқими	1,0 1,0 1,0		3,0		

06	Устки ёқа -ёқа қайтармаси -ёқа учи қирқими -ёқа кўтармаси қирқими -остки қирқими	0,75		3,2 0,5 0,75		
07	Остки ёқа -ўрта қирқим -ёқа қайтармаси -ёқа учи қирқими -ёқа кўтармаси қирқими	1,0 0,75		1,5 1,5		
08	Ёқа кўтармаси -ёқа ўмизи қирқими -кўтарма учи қирқими -ёқа қирқими	0,75 0,75		1,2		
09	Ён чўнтак қопқоғи -ён қирқим -юқори қирқим	1,0	0,7			
10	Шим орт бўлак -ўрта қирқим тепа қисми -ўрта қирқим пастки қисми -одим қирқими -бел қирқими -поча қирқими	3,0 1,0 1,0 1,0		4,0		
11	Шим олд бўлак -ўрта қирқим -одим қирқими -бел қирқими -поча қирқими	1,0 1,0 1,0		4,0		
12	Шим ён чўнтак кўринмаси -ички қирқими -ташқи қирқими	1,0 1,0				

Деталлар спецификацияси

2.6.-жадвал

№	Буюм деталларининг номи	Бўлақларниг код белгиси	Сони		Изох
			Андозада	Бичикда	
Пиджак авра бўлақлари					
1	Орт бўлак	001	1	2	
2	Олд бўлак	002	1	2	
3	Ён бўлак	003	1	2	
4	Адип	004	1	2	
5	Устки ёқа	005	1	1	
6	Ёқа кўтармаси	006	1	1	
7	Остки ёқа	007	1	2	
8	Устки енг	008	1	2	
9	Остки енг	009	1	2	
10	Чўнтак листочкаси	010	1	1	
11	Ён чўнтак мағизи	011	1	4	
12	Ён чўнтак қопқоғи	012	1	2	
13	Ён чўнтак кўринмаси	013	1	2	
14	Астар чўнтак мағизи	014	1	4	
15	Астар чақа чўнтак мағизи	015	1	2	
16	Листочка кўринмаси	016	1	1	
Шим авра бўлақлари					
17	Шим орт бўлаги	017	1	2	
18	Шим олд бўлаги	018	1	2	
19	Белбоғ	019	1	2	
20	Ён чўнтак кўринмаси	020	1	2	
21	Тугма жойи	021	1	1	

22	Гулфик	022	1	1	
23	Чўнтак листочкаси	023	1	1	
24	Орт чўнтак кўринмаси	024	1	1	
25	Камартутгич	025	1	1	
Астар бўлаклари					
26	Орт бўлак	026	1	2	
27	Олд бўлак	027	1	2	
28	Ён бўлак	028	1	2	
29	Устки енг	029	1	2	
30	Остки енг	030	1	2	
31	Ён чўнтак қопқоғи	031	1	2	
Қотирма бўлаклари					
32	Олд бўлак қотирмаси	032	1	2	
33	1-қават борт қотирмаси	033	1	2	
34	Орт бўлак қотирмаси	034	1	2	
35	Ён бўлак қотирмаси	035	1	2	
36	Устки ёқа қайтармаси	036	1	2	
37	Остки ёқа қотирмаси	037	1	2	
38	Устки енг қотирмаси	038	1	2	
39	Остки енг қотирмаси	039	1	2	
40	Чўнтак қопқоғи қотирмаси	040	1	2	

Андозаларда назорат кертиклар қўйиш жойларининг рўйхати

2.7.-жадвал

№	Деталлар номи	Қирқим номи	Кертик ўрни
1	Орт бўлак	ён қирқим енг ўмизи	Бел чизиғи ўрнида. Ўмиз чизиғи ўртасида
2	Олд бўлак	ён қирқим енг ўмизи	Бел чизиғи ўрнида Ўмиз чизиғи ўртасида
3	Орт ён бўлак	ён қирқим рельеф қирқим	Бел чизиғи ва бўкса чизиғи сатҳида Бел чизиғи сатҳида
4	Устки енг	енг қиямаси қирқими тирсак қирқими олд қирқим	Енг чўққиси нуқтасида, олд қияма ўртасида, орт қияма ўртасида Енг учидан 15 см масофада Енг учидан 15 см масофада
5	Остки енг	енг қиямаси қирқими тирсак қирқими олд қирқим	Олд қияма ўртасида, орт қияма ўртасида Енг учидан 15 см масофада Енг учидан 15 см масофада
6	Шим олд бўлағи	чўнтак ён қирқими ўрта чизиғи одим чизиғи бўкса чизиғи	Бўкса чизиғидан 18см масофада Олд ўрта чизиғидан 18см масофада Тизза чизиғи ўрнида Тизза чизиғи ўрнида
7	Шим орт бўлағи	одим чизиғи бўкса чизиғи	Тизза чизиғи ўрнида Тизза чизиғи ўрнида

**Бўлақларда танда ипининг номинал йўналиши ва андозаларда улардан йўл
қўйилган оғишлар**

2.8.-жадвал

Бўлак белгиси	Бўлак номи	Танда ипининг йўналиши	Танда ипининг йўл қўйилган оғиши (%)
Пиджак авра бўлақлари			
001	Орт бўлак	Шлица қирқимига параллел	2
002	Олд бўлак	Иккита петля оралиғидаги борт қирқимига параллел	2
003	Ён бўлак	Ён бўлакни этаги учларини бирлаштириб иккига букланганда ҳосил бўлган буклов чизиғига параллел	2
004	Адип	Борт қирқимининг белдан этаккача қисмига параллел	1,5
005	Устки ёқа	Ёқа ўрта чизиғига параллель	5
006	Ёқа кўтармаси	Ёқа кўтармаси ўрта чизиғига параллел	0
007	Остки ёқа	Раскеп чизиғига параллел	10
008	Устки енг	Енг олд қирқими учларини бирлаштирувчи чизиққа параллел	2
009	Остки енг	Енг олд қирқими учларини бирлаштирувчи чизиққа параллел	2
010	Чўнтак листочкаси	Листочка ён қирқимига параллел	2
011	Ён чўнтак мағизи	Чўнтак оғзи қирқимига параллел	2
012	Ён чўнтак қопқоғи	Қопқоқ ён қирқимига параллель, олд бўлак танда ипи йўналиши билан бир хил	8
013	Ён чўнтак кўринмаси	Кўринма узунлиги чизиғига параллел	2
014	Астар чўнтак мағизи	Чўнтак оғзи қирқимига параллель	2

015	Астар чақа чўнтак мағизи	Чўнтак оғзи қирқимиға параллель	2
016	Листочка кўринмасы	Листочка ён қирқимиға параллель	2
Шим авра бўлаклари			
017	Орт бўлак	Тизза ва поча чизиклар ўртасидан ўтган чизикқа параллел	3
018	Олд бўлак	Тизза ва поча чизиклар ўртасидан ўтган чизикқа параллел	3
019	Белбоғ	Белбоғ бўй қирқимиға параллел	5
020	Ён чўнтак кўринмасы	Тизза ва поча чизиклар ўртасидан ўтган чизикқа параллел	15
021	Тугма жойи	Ўрта чизик қисмиға параллел	2
022	Гулфик	Ўрта чизик қисмиға параллел	2
023	Чўнтак листочкаси	Листочка ён қирқимиға параллел	2
024	Орт чўнтак кўринмасы	Кўринма узунлиги чизигиға параллел	2
025	Камартутгич	Камар тутгич узунлиги бўйича	5
Астар бўлаклари			
026	Орт бўлак	Ўрта чизикқа параллел	1
027	Олд бўлак	Борт қирқимининг пастки қисмиға параллел	1
028	Ён бўлак	Худди авра бўлаги билан бир хил	2
029	Устки енг	Олд қирқим учларини бирлаштирувчи чизикқа параллел	5
